

ТРЕНИНГ МАШҒУЛОТЛАРИ БОЛАЛАРНИ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Шонасирова Захрохон Юлдашевна

*Чирчиқ Давлат Педагогика Институтини мактабгача таълим
методикалари кафедраси мудири*

Аннотация: Мақолада МТТ ва ота-оналар ҳамкорлигига асосланган тренинг машғулотларидан намуналар берилган.

Калим сўзлар: тренинг машғулотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, ҳамкорлик, хавфсизлик, хотиржамлик, бегона жой.

Аннотация: В статье приведены примеры учебных занятий на основе сотрудничества МТТ и родителей.

Ключевые слова: учебные занятия, дошкольные учреждения, сотрудничество, безопасность, спокойствие, отчуждение.

Annotation: The article provides examples of training sessions based on collaboration between MTT and parents.

Keywords: training sessions, preschools, collaboration, security, tranquility, alienation.

Кириш: Болаларга замонавий таълим-тарбия бериш билан бирга уларни умуминсоний, миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда фуқаролик ҳиссини тарбиялаш масалалари мактабгача таълим ташкилотлари олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ҳислатлар билан бирга бағрикенглик, юксак маънавият эгаси бўлиши ҳамда инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялаш янгиланаётган Ўзбекистоннинг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Ушбу улкан шарафли, масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил яъни оила, маҳалла ва таълим муассасалари

ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгадир. Шундай экан МТТ ва оила ҳамкорлигини узвий равишда амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Асосий қисм: Қуйида мактабгача таълим ташкилотларида педагоглар билан ота-оналар ўртасида ўтказиладиган ҳамкорликка йўналтирилган тренинг машқлардан намуналар келтирамиз.

Тренинг мақсади: ота-оналар ва мактабгача таълим ташкилоти педагоглари ўртасида ўзаро алоқани мустаҳкамлаш.

Кутиладиган натижа:

- Ота-оналар ва педагогларни жипслаштириш
- МТТда ота-оналар билан ҳамкорликни ривожлантириш
- МТТ ва оила олдида турган умумий вазифаларни аниқлаш
- Ижодий қобилиятларни намоён эта билиш.

Тренингдан мақсад ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат.

- Кутилаётган натижа:
- ота-оналар ва ўқитувчиларнинг интеграцияси
- мактабгача таълимда ота-оналар билан ҳамкорликни ривожлантириш
- мактабгача таълим муассасалари ва оила дуч келадиган умумий муаммоларни аниқлаш
- ижодкорлик қобилияти

Иштирокчилар: ота-оналар ва тарбиячилар

Иштирокчилар сони: 15-20 нафар

Ўтказиш вақти: 2-2,5 соат

Керакли жиҳозлар: маркер, А-3 ва А- 4 қоғоз, флипчарт, 1 жуфт оёқ кийим солинадиган қути, “овоз бериш қутиси”, скоч.

Мен спорт билан шуғулланмоқчиман

“Танишув” машқи. Иштирокчилар доира шаклида қўлларини ушлаган ҳолда турадилар. Ҳар бир иштирокчи навбат билан исми ва ўзи ҳақида гапиради. Машқ вақтида қўлларни ушлаб турган ҳолда гапириш қоидасига риоя қилинади.

Танишувдан сўнг ота-оналар ва тарбиячилар икки гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳ иштирокчилари ўз жойларига ўтирадилар.

“Қутича” машқи. Уч нафар иштирокчи истагига кўра таклиф қилинади. Ўртада бир иштирокчи оёғига туфли қутисини кийиб ҳаракат қилади. Сўнгра икки ёнидаги шериклари унга ҳаракат қилишига ёрдамлашади. Шундай ҳолатда хонада ҳаракатланиш яъни ўртасидан кесиб ўтиш сўралади. Тарбиячи машқдан сўнг савол-жавоб ва муҳокама ўтказади.

- Сизга қутида ҳаракат қилиш қулай бўлдимми?
- Хусусан қайси иштирокчига ҳаракат қилиш қийин бўлди? Нима учун?
- Қайси ҳолатда ҳаракат қилиш осон кечади? Шериклари ёнида туриб ёрдам берса ёки ҳар бир иштирокчи ўз йўналиши бўйича ҳаракат қилсамми?

Муҳокамадан кейин тарбиячи ўз фикрларини билдиради. Ўртада турган иштирокчи “бола” образини ифодалади. Ўнг томондаги иштирокчи бу МТТ яъни таълим-тарбия усуллари, талаблари ва вазифалари. Чап томондаги эса—оила, ота-оналар тарбияси ва қарашлари. Оила ва МТТ томонидан болаларга қўйилаётган талаб ва вазифалар уларнинг ёш хусусияти ва имкониятларига мос бўлиши яъни тўғри келиши зарур. Болаларнинг таълим ва тарбия олишларидаги муваффақият ота-оналар ва МТТ педагогларининг ўзаро бир-бирларини тушунишлари ва ҳамкорликларига боғлиқ деган фикрлар билан машқ таҳлилини тугаллайди.

“Қироллик тамғаси” машқи. Тарбиячи: биз сизлар билан икки гуруҳга бўлиниб олдик. Ўйин тренинг шарти бўйича ҳар бир гуруҳнинг алоҳида қироллик қасри яъни “Давлати” бўлади. Бугун тренингда сизлар билан биргаликда **“Ота-оналар ”** ва **“Педагоглар”** қироллигини ташкил этамиз. Ҳар бир (давлат) гуруҳ А-З қоғозга ўзининг рамзий белгиси ёки тамғасини яратади ва гуруҳдан бир иштирокчи изоҳлаб беради.

“Бизнинг ҳиссиётларимиз” машқи. Тарбиячи. **“Ота-оналар”** қироллиги **“Педагоглар”** қироллигига топшириқ беради. Иккала давлат аҳолиси бир-бирларига иқтисодий, сиёсий ишлар бўйича ташриф буюрадилар. Бу сафарлар баъзида қизиқарли, муваффақиятли, баъзида эса унчалик ҳам ёқимли бўлмайди. Бунинг сабаби ўз уйингда, Ватанингда, маҳаллангда бўлсанг хотиржам, эркин

бўласан, ўзга юртда, давлатда эса қарашларинг, уларнинг қонунлари, менталитети тўғри келмайди. Ҳар хил вазиятларда биз ҳар хил ҳиссиётларни бошдан ўтказамиз. Ҳар бир гуруҳ флипчарт қоғозни 2 та қисмга бўлади. Қоғознинг ярими қисмига ўз қироллигидаги ҳиссиётларини ифодалайди. Иккинчи қисмига эса ўзга юртдаги ҳиссиётларини ёзади ёки турли хил образлар билан ифодалайди. Гуруҳлар ишини тугаллагандан кейин муҳокама қилинади. Иштирокчилар диққатини ҳар хил давлат аҳолиси бўлса ҳам ҳиссиётлар кўпинча ўхшаш бўлишига жалб этилади. Ўз давлатимиз ҳудудида хавфсизлик, хотиржамликни ҳис қиламиз, бегона жойда эса хавотир, кўрқинч ва тортиниш ҳисси қалбимиздан ўтади.

Кутиш” машқи. Ота-оналар қироллиги ҳар куни севимли фарзандларини Педагоглар қасрига юборадилар. Ота-оналар қироллиги доимо бир-бирлари билан таълим-тарбия борасида мулоқот қиладилар. Ҳар бир қироллик аҳолиси ўз кутишларига эга. Ота-оналар педагоглардан нималарни кутадилар ва аксинча педагоглар ота-оналардан нимани кутадилар. Ҳар бир гуруҳ кутадиған натижаларни ёзадилар ва муҳокама ўтказилади.

“Давлатларни бирлаштириш” машқи.

Тарбиячи. Ҳурматли иштирокчилар келинглари **“Ота-оналар”** ва **“Педагоглар** давлатларини бирлаштириш бўйича референдум ўтказамиз.

Ҳар бирингизга бюллетень тарқатилади. Сизлар бу қоғозга “ҳа” ёки “йўқ” деб ёзасиз ва овоз бериш қутисига соласиз. Иштирокчилар ўз овозларини берадилар. Шундан сўнг ижтимоий сўров ўтказилади.

- Нима учун иккала қиролликни бирлаштириш керак эмас?
- Қандай салбий томонлари бор?
- Ёки икки давлатни бирлаштирилса қандай натижага бўлади?

Референдум якуни муҳокама қилинади.

Тарбиячи: Кўпчилик иштирокчилар иккала давлатни бирлаштиришни таклиф қилдилар. Маълумки ҳар бир давлат ўз бошқарув тизимига эга бўлади. Ҳозир сизлар ҳам барчангиз ҳамкорликда ташкил этган давлатни вазирликларини аниқлаб оласизлар ва уларнинг мақсади ва вазифалари, қоида ва

талабларини ишлаб чиқасизлар. Тарбиячи ота-оналарга йўналиш бериши мумкин. (мактабгача таълим вазирлиги, ИИБ вазирлиги, соғлик вазирлиги). 20-25 дақиқа вақт берилади. А-3 қоғозга расм шаклида, схема ёки шеърини усулда ифодалаш мумкин.

Хулоса:Топшириқ якунлангач муҳокама ўтказилади.

“Оила ва МТТ иттифоқи” (Хайкал) машқи. Тарбиячи: Биз бугун ўйин тренингда ота-оналар ва педагоглар давлатини бирлаштирдик. Бу иттифоқни мақсади, вазирликларини аниқладик, ҳужжатларини тасдиқладик. Энди ҳурматли иштирокчилар бирлашган давлатимиз фақат қоғозда эмас, балки реал ҳаётда қандай бўлишини намойиш этиш орқали тасаввурга эга бўламиз. Барча иштирокчилар ҳамкорликда **“Оила ва МТТ иттифоқи”** хайкалини яратдилар.

“Муסיқа ва юмор фестивали”.

Тарбиячи: Сизлар томонингиздан тузилган иттифоқ давлатда юз берадиган барча савол ва муаммолар барча билан биргаликда ҳал этилади. Шунинг учун ҳозир барчангиз биргалашиб тугалланмаган ҳазил шеърни давом эттириб айтиб берасизлар. Уларни қўлларига тугатилмаган шеър ёзилган қоғоз берилади.

Барча ота-оналар шеърни тугаллайдилар.

Тренингни якунлаш. Иштирокчилардан тренингда нимани ўзлаштирганликлари, фарзанди тарбиясида қўллаши мумкин бўлган ғоялар сўралади. Фаол ота-оналар рағбатлантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимходжаева С.Н., Ҳайдаров Ф.И. Психологик тренинглар ишланмаси. 1-қисм (Амалиётчи психологлар учун) Тошкент-2008 йил
2. Горбушина О.П. Психологический тренинг. Секреты проведения. СПб.: Питер, 2007. - 176 с: ил. - (Серия «Практическая психология»).
3. Захаров В.П., Хрящева Н.Ю. Социально-психологический тренинг. Л., 1990.
4. Практикум по социально-психологическому тренингу. Под.ред. Б.Д.Парыгина. Санкт-Петербург, 1994.